
“Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида Марғилон шаҳрида ҳам кўчат экиш тадбирлари давом этмоқда

Бугун Марғилон шаҳар Ихтисослаштирилган мактабида ҳам лойиҳа доирасида “Хотин-қизлар яшил макон учун” шиори остида кўчат экиш тадбири ўтказилди.

Тадбир давомида вилоят Оила ва хотин-қизлар бошқармаси бошлиғи Комила Кавлонова бошчилигида шаҳримизда истиқомат қилиб келаётган кайвони онахонлар ҳамда жамиятимизнинг фаол аёллари мактаб ҳудудига мевали дарахтлар, кўп йиллик манзарали гулларни экидилар.

2023-11-02 15:31:46